Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 266 (4664).
23 НОЯБРЬ 1981 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

Маъмура Зокирова кўп йиллардан бери Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-фабрикасига қарашли чит саралаш цехида назоратчи бўлиб ишлаб келади. Меҳнатсевар ишчи ўзининг ҳалол меҳнати билан коллектив ҳурматини қозониб келяпти. У йилни зарбдорона якунловчилар сафида бораяпти.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Заргарлик заводининг коллективи СССР ташкил топганлигининг олтмиш йиллик тўйини меҳнатда муносиб совғалар билан қаршиламоқда. Заргарлар СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бошланган 60 зарбдор ҳафталикда фаол қатнашмоқдалар. Москваликларнинг бу ватанпарварлик ташаббусига Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Абдурашид Ғаниев, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Фатхулла Файзуллаев, Раҳим Алимов, Аҳмам Қосимовлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари қўшилишган эди. Бу коммунистлар раҳбарлик қилган бригадалар РСФСР шарафига ўтказилган зарбдор ҳафталикка коллективда биринчи бўлиб якун ясашди.

— Бир ярим мингдан ортиқ кишидан ташкил топган коллектив ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақада 160 коммунист ва юзлаб комсомоллар пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг аксарияти бир беш йиллик да—икки беш йиллик шахсий топшириқни бажариш, СССРнинг 60 йиллик юбилейини тўрт йиллик шахсий планни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилганлар, — дейди завод касаба союз меҳаллий комитетининг раиси О. Маҳкамбоев. Бундай социалистик мажбурият олган ишлаб чиқариш илғорлари 200 дан ортиқдир.

СИФАТ ВА СУРЪАТНИ ОШИРИБ

СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор меҳнат ҳафталиги ўтказиш тўғрисида москваликлар бошлаган ташаббусга Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли «Таштранспецстрой» трестида хизмат қилаётган икки юздан ортиқ комсомоллар биринчилар қаторида қўшилдилар. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш мақсадида «Коммунизм қуришни ўрганамиз — коммунизм қурамиз!» деган шиор остида шахсий социалистик мажбурият қабул қилишган. Эндиликда трестнинг ҳамма қурилиш бошқармалари коллективлари — 60 зарбдор ҳафталикда фаол қатнашишга аҳд қилишди. Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳри шарафига бўлиб ўтган биринчи зарбдор ҳафталикда 71 қурилиш бошқармасининг Евгений Крянников бошлиқ коммунистик меҳнат коллективи 6 октябрь куни 1981 йил планини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берган эди.

— СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига трестдаги бешта комсомол ёшлар бригадалари қаторига янгидан ташкил топадиган яна тўртта комсомол-ёшлар бригадаси қўшиладиган бўлди, — дейди трест комсомол комитетининг секретари Фурқат Нурмухамедов. Ҳозирда Е. Крянников ва А. Кладов бошчилигида тузилган иккита комсомол-ёшлар бригадаси меҳнатда пешқадамлик қилишмоқда. Трест коллективи шу кунларда «Москва» меҳмонхонаси, мактаб, боғча, уй жой қурилишларида, ободонлаштириш, ер ости коммуникациялари ўтказишда сифат ва суръатни оширган ҳолда меҳнат қиляпти.

ЯНГИ ЙИЛ БЕЗАКЛАРИ

«Узбитхимпл а с т» бирлашмаси коллективи шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусига қўшилиб сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Бирлашма ишчилари корхона бўйича ташкил қилинган социалистик мусобақада ҳам фаол қатнашмоқда. Ишчилар чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига катта эътибор беришмоқда. Бу ерда ҳар йили маҳсулотларнинг ўндан ортиқ номда янги-янги намуналари ишлаб чиқарилмоқда. Бирлашмада, аллақачон ишлаб чиқаришга жорий қилинган «Совғалар» сериясидаги маҳсулотлар, айниқса, харидорлар эътиборини қозонмоқда.

БУГУН

бирлашмада ана шу сериядаги маҳсулотнинг яна бир турқумини ишлаб чиқаришга киришилди. Янги йилга мўлжалланган байрам безакларини бирлашма болаларга совға сифатида кўплаб ишлаб чиқаради. 25 номдаги бу безаклар республикамиз савдо тармоқлари, мактаб ва болалар боғчаларига юборилади.

Бирлашмада, шунингдек янги йил учун ўйинчоқларнинг совға серияси ҳам яқинда ишлаб чиқаришга жорий этилади.

ФОФПРАВДА саҳифаларида

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан 22 ноябрь куни Москвадан визит билан Германия Федератив Республикасига жўнаб кетди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов жўнаб кетдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шу куниёқ Германия Федератив Республикасига етиб келди.

«Совет экономикасининг кўламлари» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессиясида тасдиқланган мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантириш программаси — беш йиллик давлат планларини бажариш бўйича совет кишиларининг олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилади.

ТОШКЕНТНИ БОҒ—РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Уюшқоқлик билан

Чилонзор райони меҳнаткашлари бу сафарги кўкаламзорлаштириш ойлигида 21 минг туп дарахт ва 53 минг дона яшил тўсиқ ўтказишга аҳд қилдилар.

Ўтган шанба куни район меҳнаткашлари умумхалқ ҳашарига чиқишди. 19-кварталда эса янги хиёбон ташкил этилмоқда. Ана шу хиёбонга район меҳнаткашлари дарахт ва яшил тўсиқ ўтказишиб, гулзорга айлантиришади. «Трансгидромеханизация» трестига қарашли 482-қурилиш бошқармаси ва «Средазнефтегазстрой»га қарашли 5-қурилиш бошқармасининг коллективи янги хиёбонда бажариладиган ишлар учун зарур механизмларни ажратди. Ана шу механизмлар ёрдамида қисқа муддат ичида жуда кўплаб ободончилик ишлари бажарилди. Район ободонлаштириш бошқармаси ишчилари, республика автомобиль транспорти министрлигининг автомобиль мактаблари коллективи ҳашарга чиқишиб, ўтказиладиган кўчатлар учун чуқурчалар қазиб қўйишди.

Чилонзорликлар ойлик давомида яна иккита хиёбон ташкил этишади. Ана шу хиёбонлардан бири Халқлар дўстлиги проспектидаги «СССР 50 йиллиги» ва «Чилонзор» метро станцияси атрофида, иккинчиси эса «Тошкент» автостанцияси ёнида бўлади.

ЯНАДА КЎРКАМЛАШАДИ

Фрунзе райони шаҳримиздаги энг кўркам ва обод районлардан бири ҳисобланади. Районнинг янада гуллаб-яшнашига ободонлаштириш бошқармаси коллективи, корхона ва ташкилотларнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўлмоқда. Бу сафарги кўкаламзорлаштириш ойлигида районда кўплаб ишлар амалга оширилади. Кўплаб ташландиқ жойлар хиёбонларга айлантирилиб, дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади.

Районда махсус группа ташкил этилиб, ана шу группа ёрдамида қаерга кўчат ўтказиш кераклиги ҳақида олдиндан келишиб олинмоқда. Шунинг учун ҳам ҳашарга чиқаётган мактаб ўқувчилари, ишчи ва хизматчиларга кўчатлар ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдори Василий Угрюмов Тошкент тепловоз депосининг энг илғор машинистларидан биридир. У корхонадаги тежамкорлик ҳаракатида актив иштирок этиб кўплаб шартли ёқилғини тежаб қолишга эришмоқда. Уста машинистнинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Унга «Фахрий темирйўлчи» нишони берилган

СУРАТДА: В. Угрюмов.

М. Нуриддинов фотолари.

• Мажбуриятлар изидан

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙЛИК

Акмал Икромов ва Сергели районлари меҳнаткашлари ўртасида беш йилликнинг биринчи йилида социалистик мусобақа бўйича тузилган шартнома ҳар иккала район коллективларининг хўжалик — иқтисодий фаолиятида энг юксак кўрсаткичларга эришишда курашнинг таъсирчан воситасига айланди. Саноат корхоналарининг ш ишкунлари, йилнинг ўн ойдаги меҳнат беллашуви натижалари шундан далолат беряпти.

Ишлаб чиқариш коллективлари январь-октябрь ойларидаги халқ хўжалиги планини муддатидан аввал адо этдилар ва планга қўшимча 3.184 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Бунга қандай эришилганлиги ҳақида, ишлаб чиқариш коллективларининг йилнинг ўтган давридаги меҳнат беллашуви якуплари ҳақида биз бугун газетамизнинг иккинчи саҳифасида мусобақадош районлар ва корхоналар ўртасидаги анъанавий йўқламамизни бошлаб, ҳикоя қиламиз.

Шундан кейин биз шаҳардаги Ленин ва Фрунзе, Октябрь ва Чилонзор, Ҳамза ва Куйбишев, Киров ва Собир Раҳимов районлари коллективлари ўртасидаги йилнинг ўн ойидаги меҳнат беллашувлари ҳақида сўз юритамиз.

• ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Республика кўзи ожизлар жамиятига қарашли Тошкент ишлаб чиқариш комбинатининг коллективи тайёрлаб чиқараётган маҳсулотлар жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг буюртмачиларига манзур бўлмоқда.

Корхона кейинги пайтларда Монголия Халқ Республикасига 2500 та, Кубага 800 та, Афғонистонга 60 та паст волтли аппаратураларни етказиб берди.

Бундай маҳсулотларни Лаос, Ироқ, Вьетнам, Чехословакия, Руминия, Гвинея мамлакатлари ҳам қизиқиш билан сотиб олмоқдалар.

Тошкент маҳсулотининг шуҳрати мамлакатимизда ҳам кенг ёйилган. Корхона ишлаб чиқариш бўлимининг умумий буюртмачилар рўйхатида мамлакатимиздаги юздан ортиқ шаҳарнинг номини ўқиш мумкин. Шундай қилиб, мамлакатимиз бўйича паст волтли аппаратуралардан 300 минг донаси бу йил тарқатилди.

ОҒЗАКИ ЖУРНАЛНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ

БУГУН

Киров районидаги М. Ю. Лермонтов номли марказий кутубхонанинг Н. К. Крупская номидаги филиалида «Пахта — ўзбек халқининг нафтохори» номли оғзаки журналнинг янги сони китобхонлар билан ҳамкорликда ўтказилди.

Оғзаки журналнинг янги сонини пахта ва пахтачилик ҳақидаги кенг маълумотлар, пахтачиликнинг бугунги социалистик Ўзбекистонимиздаги беминсл тараққиёти ҳақидаги материаллар ташкил этди.

Бу ерда, шунингдек, пахтачиликка оид китоблар, адабиёт ва брошюралардан тузилган кўргазма ҳам очилган бўлиб, ушбу кўргазма бу ерга келувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

ЯНА БИР КЎРГАЗМА

В. И. Ленин Марказий музейининг шаҳримиздаги филиалида очилган янги кўргазма «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга» деб аталади.

Кўргазмада намойиш қилинаётган ўнлаб экспонатлар Советлар мамлакатининг ўнинчи беш йилликда қўлга киритган улкан зафарлари ҳамда ўн биринчи беш йилликдаги истиқболлари ҳақида ҳикоя қилади.

Экспозиция материаллари ташрифчиларнинг меҳнат почиталарининг ташаббускорлари билан, халқ хўжалигининг барча соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар билан таништиради. Кўплаб фотографиялар, материаллар мамлакатимизнинг мисли-сиз тараққиёти ҳақида тасаввур беради.

САНЪАТИНГИЗГА ТАСАННО, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Икки марта Ленин орденли ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг гастроллари Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида муваффақиятли якунланди. Москвалик санъаткорлар атоқли совет ёзувчиси Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари асосида яратилган «Ҳинд достони» балетини зўр маҳорат билан намойиш қилдилар. Қуйида санъаткорларнинг ана шу ажойиб саҳна асари ҳақидаги фикрларини ўқийсиз.

Ташаккур

Александр КОПИЛОВ,
ССР Иттифоқи Большой театри дирижёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

— Бизнинг театримиз ижодий фаолияти «Ҳинд достони» балетининг саҳналаштирилиши муносабати билан яна бир дурдона асар билан бойиди. Таниқли ўзбек композитори Улуғбек Мусаевнинг ижоди бундай саҳна асарининг туғилиш имкониятини яратиб берди. Унинг ана шу балетга басталаган музикаси ғоятда баркамол. Унда Шарқ ва миллий музиканинг қадимий анъаналаридан ғоятда моҳирона фойдаланилган. Музика тили билан айтганда чолғу асбобларига бой, ижроси билан эса жозибали асар. Бизнинг юксак талабчан рақ-қосаларимиз бу музика асарининг чуқур мазмунини тўла тушунган ҳолда уни ижодкорона ўзлаштирдилар. Натижада юксак санъат асари яратилди.

Тошкентдаги Ленин номли СССР ҳалқлари дўстлиги саройида бир неча кун мобайнида «Ҳинд достони»ни муваффақият билан намойиш этаолганимиздан хурсандмиз. Томоша зали ҳар куни санъатсевар мухлислар билан лиқ тўлиб, олқишлар узоқ давом этганлигидан ўзбек халқи санъатни қанчалик севиб қадрлашини яққол билиш мумкин.

Биз москвалик санъаткорларни дўстлик ва меҳмондўстлик туйғуси билан кутиб олганлигинги ва чексиз олқишлаганлигингизда н ғоятда миннатдормиз ва ўзимизнинг беҳад ташаккуримизни билдирамиз.

Маҳоратингизга қойилмиз

Галия ИЗМАИЛОВА,
Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Катта академик театрининг рақ-қосаси, СССР халқ артисти.

— Москвадаги Большой театрнинг коллективи шаҳримизга меҳмон бўлиб келиши ҳақидаги хабарни эшитганимизда биз ўзбек санъаткорлари ғоятда қувондик. Бу учрашувни сабрсизлик билан кутдик. Чунки москвалик ҳурматли устозлар ва ҳамкасбларнинг маҳорат этиб келишлари биз учун муҳим аҳамиятли воқеадир.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон пахтакорлари она-Ватанга берган ваъдаларининг устидан чиқдилар. 6 миллион тоннадан зиёд бўлган «оқ олтин» хирмони яратилди. Ана шундай меҳнат қувончи ўлкамиз бўйлаб кезаётган бир пайтда москвалик дўстларимизнинг ташриф қилиши меҳнат қувончига йўлланган катта бир қутлов бўлди.

Шу йилнинг бошларида мен Москвадаги Большой театрда ўтказилган халқаро балет санъати ижрочилари конкурсида жюри аъзоси бўлиб ишладим. Ғоятда қизғин ва юксак дид билан ўтган бу конкурсда бир қатор ёш рақ-қосалар маҳоратларини намойиш этдилар. Ҳозирги «Ҳинд достони» балетида қатнашаётган А. Михальченко, В. Деревенко, Т. Бессмертнова, Т. Черкасская ва бошқалар ўшанда муносиб баҳоларни олишга муяссар бўлдилар. Бу баҳоларни беришда менинг ҳам ҳиссам борлиги билан фахрланаман. Чунки ана шу ёш истеъдодли рақ-қосалар «Кашмир қўшиғи» асари асосида яратилган «Ҳинд достони»да ўзларига топширилган партияларни ғоятда жозибали, нафосатли ва юксак дид билан ижро этмоқдалар. Мен бу рақ-қосаларнинг ижрочилигидан ғоятда зўр қониқиш ҳиссини ҳосил қилдим.

Ўйлайманки, «Ҳинд достони» балети биргина москвликларнинг эмас, балки умумсовет санъатининг сўнгги ижодий муваффақиятларидан биридир.

Қадимий Шарқ афсонаси асосида яратилган бу саҳна асари серқуёш ўлкамиз пойтахтида катта муваффақият билан намойиш этилди. Бу асарнинг музикаси, саҳнавий безатилиши, воқеаларнинг режиссураси, артистларнинг барчаси катта маҳорат ва истеъдод билан ўз ролларини моҳирона бажариши бутун бир яхлитликни ташкил этди. Шундай завқ оладиган асарни яратган ижодкорларга офаринлар бўлсин.

Нафосат байрами

Улуғбек МУСАЕВ,
композитор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

— Наргис ва Бамбурнинг покиза муҳаббати ҳақида ҳикоя қилувчи шарқ афсонаси Шарқда кенг шуҳрат қозонган. Бу афсона халқ оғзаки ижодининг дурдоналаридан бири бўлиб, унда саҳоват, муҳаббат ва тинч турмушнинг гуллаб-яшнаган тантанаси ғоялари тўғрисида халқларнинг узоқ асрлардан буён тараннум этиб келаётган орзу ва ўйлари шоирона шаклда мужассамлашган.

Жаҳон халқларининг бисотида муҳаббат тўғрисида талай достонлар битилган. Ромео ва Жульетта, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зуҳра каби Наргис ва Бамбурнинг бир-бирига бўлган ажралмас, покиза муҳаббати ҳар қандай инсонга илҳом берадиган илҳомбахш мавзудир. Ана шу достон ҳақида музика басталаш мени бир неча йиллардан буён ижод оламига тортар эди. Ниҳоят атоқли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари асосида «Ҳинд достони» либреттоси бундай имконни берди.

Мен бу ерда Москвадаги икки марта Ленин орденли Большой театри артистларининг ижрочилик маҳоратидан олган таассуротларимни баён этмоқчиман. Москвалик санъат усталари «Ҳинд достони» балетига ғоятда нафислик ва назокат билан сайқал беролганлар, саҳна безакларини ишонарли ва илҳомбахш яратолганлар. Музика ғоятда усталик ва нафислик билан ижро этилган. Рақ-қосалар ўзларининг нозик ва майин ҳаракатларида асар воқеаларини очиб беришнинг уддасидан тўла чиқолганлар. Москвалик дўстларни бундай катта ижодий муваффақият билан чин дилдан табриклайман.

Илҳомбахш асар

Виктор БАРИГИН,
ССР Иттифоқи Большой театри солисти.

— Мен «Ҳинд достони» балетида Хоруд ролини ижро этиш билан банд бўлдим. Илк ижодий фаолиятимда биринчи марта бундай тўлақонли образни яратиш ва ижро этиш шарафига муяссар бўлганлигимдан бахтиёрман.

Хоруд образи шуҳратпарастлик, ёвузлик тимсолидир. Ўзгаларнинг ширин ва покиза бахтига жирканч пичасини ботирадиган қабиҳдир. У покиза Наргисга эришиш йўлида гуллар водийсига бўрон бўлиб ёпириладди. Лекин унинг кирдикорлари чин муҳаббат, адолат олдида чилпарчин бўлади. Асарга музика басталаган истеъдодли ўзбек композитори Улуғбек Мусаев Хоруднинг жирканч ички дунёсини очиб беришга хизмат қиладиган, жуда ҳам мос тушган музика оҳангларини яратолган. Шу музика садосида саҳнада кўпи иштиёқ ва ҳаяжон билан ўйнайди.

Мен яратган Хоруд образи тошкентлик томошабинларга манзур бўлган бўлса, санъат олдидаги бурчимни адо эта олганман, деб ҳисоблайман. «Ҳинд достони» балетининг жозибаси, ўйноқилиги, музикасининг теранлиги ҳар қандай санъаткорни келгуси ижод ишлари сари беҳад илҳомлантиради.

Халқаро МАВЗУДА СУҲБАТ

КАТТА АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга визити катта халқаро аҳамиятга эга воқеа. Бу визит иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради, умуман халқаро вазиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ГФРга учинчи марта давлат визити билан бормоқда. Совет давлатининг раҳбари Боннга биринчи марта 1973 йилда сафар қилган эди. Бу сафар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлган эди. 1970 йилда Москвада СССР билан ГФР ўртасида имзоланган шартнома шундай алоқалар боғлаш учун замин яратиб берган эди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1978 йилда Ғарбий Германияга қилган иккинчи визити якунида, жумладан иккала мамлакат ўртасида экономика ва саноат соҳасида 25 йилга мўлжалланган узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида шартнома тузилган эди.

Ўтган йиллар бу шартноманинг ўзаро манфаатли ва ғоят муҳим эканлигини кўрсатди. Зотан, ўртоқ Л. И. Брежнев Ғарбий Германиядаги «Шпигель» журнали редакциясининг саволларига жавобларида таъкидлаб ўтганидек, Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик «ҳеч кимга зарар етказмайди, балки пировард натижада ҳаммага фойда келтиради».

Буни фактлар яққол тасдиқлаб турибди Иккала мамлакат иқтисодий ҳамкорлиги, улар ўртасидаги савдо-сотиқ муайян империалистик доираларнинг дунёни «совуқ уруш» замонларига қайтариш йўлидаги уринишлари оқибатида халқаро иқлим умуман мушкуллашиб қолган ҳозирги вақт тазйиқига бардош берди. Бардош берибгина қолмай, ривожланиб ҳам бормоқда Бинобарин, иккала мамлакат иқтисодий ҳамкорлиги, улар ўртасидаги савдо-сотиқ сиёсий иқлимни яхшилашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда

ГФР—Совет Иттифоқининг капиталистик мамлакатлар орасидаги энг биринчи савдо мижозидир, бизнинг мамлакатимиз эса ГФРнинг социализм мамлакатлари орасидаги энг асосий савдо мижозидир. Ўтган ўн йил мобайнида СССР билан ГФР ўртасида товар обороти ўн баравардан зиёд кўпайди. Агрессив империалистик доиралар, биринчи навбатда АҚШ империалистларини н « Шарқ билан Ғарб ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка ҳуруж қилишни давом эттириб турганликларига қарамай, 1980 йилда иккала мамлакат ўртасидаги тоаар обороти 5,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Совет—Ғарбий Германия иқтисодий алоқалари ривожланиб бораётганлигини характерловчи яна айрим рақамларни таҳлил этиш диққатга сазоворди. Бугунги кунда Ғарбий Германиянинг 2 мингдан кўпроқ фирмаси совет ташки савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, иккала томонга наф келтирмоқда. ГФРнинг юз мингдан граждандари—ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар, савдо-саноат доиралари учун бу ҳамкорлик амалий ва кунделик иш бўлиб, уларнинг ҳаётига реал таъсир кўрсатмоқда. ГФРда яна шу нарса юксак қадрланмоқдаки, совет буюртмалари Ғарбий Германиялик ярим миллион меҳнаткашни иш билан таъминламоқда Ҳозирги вақтда ГФРда 1 миллион 360 мингдан кўпроқ ишсиз борлиги ҳисобга олинса, бу кичик рақам эмас, албатта.

Совет Иттифоқи билан Ғарбий Германия ўртасидаги иқтисодий муносабатларда кооперация тобора сезиларли роль ўйнамоқда. Бизнинг мамлакатимиз Ғарбий Германия фирмалари билан 16 йирик шартнома тузди, жумладан «Цеттер» фирмаси билан биргаликда бетон қориштиргичлар қуриш тўғрисида, «Пфафф» фирмаси билан биргаликда тикув машиналари тайёрлаш тўғрисида контактлар тузилди.

Л. И. Брежневнинг Рейн соҳилига қиладиган сафари арафасида ГФРда унинг «Шпигель» журнали саволларига жавоблари кенг муҳокаланмоқда. Бу жавобларда СССРнинг энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан позицияси баён этиб берилди. ГФРнинг кўлгина таниқли сиёсат арбоблари, тинчликсевар жамоатчилик кенг доираларининг вакиллари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР қуролланиш пойгасини чеклаб қўйиш ва қуролсизланишга олиб келадиган музокаралар ўтказишга тайёрдир ва Ғарб мамлакатлари, шу жумладан ГФР раҳбарларини шундай қилишга чақиради, деган гапларини қизғин кутиб олдилар. Улар Л. И. Брежневнинг турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидан бориш керак-лиги тўғрисидаги фикрларини айниқса маъқуллашмоқдалар, чунки бу йўл «қуролланиш пойгасини тўхтатиш, кескинликни эмшатиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ялпи куч-ғайратларга ғоят муваффақ келган бўлур эди».

Т. КУДРЯВЦЕВА.
(ТАСС).

• ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ТАЛАБЧАНЛИК, ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар якунига доир

Шаҳар партия ташкилотида ҳозир масъулиятли давр— партия бюролари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари бир йил ичида қилган ишлари тўғрисида ҳисоб бермоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларида ҳисоботсайлов кампаниясининг умуман муваффақиятли ўтишига партия қуйи звенолари— партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларнинг юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий савияда ўтгани муайян даражада ёрдам берди. Шаҳар, район партия комитетлари, партия комитетлари ва бюролари уларнинг якунини диққат билан таҳлил этдилар, ижобий тажрибаларни таъкидлаб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни очиб ташладилар, уларга барҳам бериш тадбирларини белгиладилар. 2760 партия группаси ва 2433 цех партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловларнинг характерли хусусияти нимада? Бу шундаки, улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини бажариш бўйича қилинган ишларнинг амалий, талабчан кўзгусига айланди, партия сафларининг жипслигини, Тошкент коммунистларин и н г ленинчи партия ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси ғоя ва амалиёт соҳасидаги фаолиятини қизғин маъқуллаб ва ядроллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини намоён қилди.

Ҳисобот ва сайловлар партия ташкилотлари жанговарлигини янада ошириш, коммунистлар активлигини ва ишчанлигини ўстиришга ёрдам берди. Йиғилишларда 72 мингга яқин коммунист ёки улар умумий сонининг 96,2 процента қатнашди. Бу эса аввалги йиллардагидан кўпдир. Партия группаларида музокараларда 12717 киши ёки қатнашган ҳар икки коммунистдан бири, цех партия ташкилотларида эса ҳар уч коммунистдан бири сўзга чиқди.

Йиғилишларга пухта тайёргарлик кўрилди. Партия комитетлари ва бюролари уларга мунтазам эътибор берди. Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик пайтида қайтадан структура кўриб чиқилди, йиғилишларни ўтказиш муддатлари белгиланди. Шаҳарнинг ҳамма район партия комитетлари ҳисобот ва сайловлар бошланишидан олдидан цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группалари ташкилотчиларини н г семинарларини ўтказдилар, бюро мажлисларида, секретарь совҳозларида уларнинг бориши мунтазам кўриб чиқилди.

Йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказишда сайланган органларнинг аъзолари, партия комитетларининг ходимлари партия ташкилотларига катта ёрдам кўрсатишди. 4030 йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область партия комитети, шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, партия ходимлари иштирок этдилар. Ҳисобот ва сайловларнинг қандай бораётганлиги «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» газеталари, кўп нусхали газеталар саҳифаларида, шаҳар радиоэшиттиришларида мунтазам ёритилди.

Йиғилишларда коммунистлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга меҳнат коллективларини сафарбар этиш, совет халқининг фаровонлигини янада ошириш программасининг ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича партия ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этишга асосий эътиборни қаратдилар, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, коллективдаги ишнинг аҳволи учун коммунистларнинг масъулиятини ошириш масалаларини қатъий қўйдилар, ўн биринчи беш йиллик ва унинг тўғриси йили план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш йўлларини белгиладилар. Докладлар ва нотиқларнинг сўзларида ишлаб чиқариш майдонлари ва дастгоҳлардан янада яхшироқ фойдаланиш, хом ашё ва материалларни, ёқилги-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш режимини кучайтириш масалалари муҳим ўрин тутди.

Тўқимачилик комбинатининг биринчи фабрикасида танда йигирув цехи, 2515-автоколоннанинг биринчи автоотряди, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 46-бўлими партия группаларида, 243-граждан авиацияси заводининг 11-цехи, «Ташкентхлеб» бирлашмасининг 5/2 ишлаб чиқариш корхонаси, «Отдельстрой» трестининг 34-қурилиш бошқармаси ва бошқа кўпгина кўплаб корхона ва ташкилотлар цех партия ташкилотларида йиғилишлар юксак активлик, ишчанлик ва талабчанлик вазиятида ўтди.

Йиғилишларда сўзга чиққан коммунистлар янги марраларни белгилашди, мавжуд резервлардан фойдаланиш тўғрисида конкрет таклифлар киритишди. 1981 йил ва беш йиллик охиригача тиғиз шахсий ва коллектив мажбуриятлар қабул қилишди. 1-ўй-созлик комбинатининг 31-қурилиш бошқармаси цех партия ташкилотининг коммунистлари ўз йиғилишларида бошқарма коллективини Тошкент-цинг 2 минг йиллигигача планга қўшимча битта 40 квартирали уйни топширишга даъват қилишди, М. Ҳабибуллаев ташкилотчи бўлган партия группасининг коммунистлари (11-«Висотстрой» трести) бу санагача беш йиллик топшириқни бажаришга сўз беришди.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9, 12, 36-цехлари, «Ташсельмаш» заводининг 11, 15-цехлари ва бошқа кўплаб меҳнат коллективларида коммунистлар «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига—60 зарбдор ҳафта» ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватлашди.

Бадиий буюмлар фабрикаси тикувчиси А. Мирзаахмедова беш йилликда ўн йиллик нормани - бажаришга, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг 5-цехи коммунистлари Ешченко ва Р. Риженкова беш йиллик топширигини уч йилда. 1-трамвай-троллейбус депоси ҳайдовчиси Б. Аверина эса 3,5 йилда бажаришга аҳд қилишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Коммунистлар қолоқ участкалардаги ишларнинг аҳволини қатъият, зўр қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Нуқсонларни дадил очиб ташладилар, конкрет таклифлар киритдилар. Кўпгина нутқлар ўз-ўзини танқид, партия ташкилотлари ишларини қатъийлик билан такомиллаштириш иштиёқи билан ажралиб турди. Тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг 1-цехи коммунистлари цех партия ташкилоти ишидаги бой берилган имкониятлар ҳақида гапиришди. Юк ортувчи Ш. Мазанов, тўқувчи Т. Шпакова ўз сўзларида мусобақа ошкоралигига партия ташкилоти бўш эътибор бераётганини таъкидлаб ўтишди. Илғор тўқувчилар беш йилликнинг олдинги марраларига чиқиб олишган. Лекин цехда коллективга бу ҳақда дарак берувчи плакат, «Чақмоқ»ларни кўрмайсан, киши.

«Агрегат» заводининг 1-цехи партия ташкилоти йиғилишида токарь В. Клокотнев партия бюросига коммунистлар н и н г партиявий топшириқларни қандай бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботларини тез-тез тинглаб туришни таклиф этди. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқув цехининг мастери А. Солиҳов коллективни хом ашё ва материалларни иқтисод қилишга бўш сафарбар этаётгани учун цех партия ташкилоти бюросини танқид қилди.

2-автокомбинатнинг 8-автоколоннаси 1-бригадаси партия группасида коммунистлар В. Гулядин, К. Толибжонов, Е. Каминер ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича таклифлар киритишди.

Йиғилишлари и н г мутлақ кўпчилиги ишчанлик, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, мавжуд нуқсонларга йўл қўйган конкрет айбдорлардан қатъий талаб этиш вазиятида ўтди. Коммунистлар ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарликни яхшилаш меҳнат коллективларида ташкилий-партиявий ва сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритишди. Ҳаммаси бўлиб ўн мингдан зиёд таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдирилди. Уларнинг баъзилари район, шаҳар, область ва республика ташкилотлари фаолиятига тааллуқлидир. Бу таклиф ва танқидий мулоҳазалар уларга юборилди. Ҳозирги вақтда шаҳар ва район партия комитетлари, партия комитетлари ва бюролари коммунистлари и н г таклифлари ва танқидий мулоҳазаларини таҳлил қилиб, умумлаштирдилар. Уларни амалга ошириш бўйича тадбирлар тузилди. Уларни бажаришни амалий йўлга қўйиш, бу ишни партия комитетлари, активлар, коммунистлар муттасил контроль қилиб боришлари лозим. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, танқидий мулоҳаза ва таклифларнинг учдан бир қисмига яқини ҳозирдаёқ амалга оширилди.

Йиғилишларда маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссиялари ишига муайян эътибор қаратилди. Ижобий мисоллар келтириш билан бир қаторда улардан айримларнинг фаолиятидаги нуқсонлар жиддий танқид қилинди. Ўз хизмат ва жамоат бурчларини қандай бажараётганликлари ҳақида раҳбарларнинг ҳисоботларини янада муттасил тинглаб бориш, уларнинг корхонани техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, янги ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни тайёрлаш ва ўзлаштириш, хомашё ва материалларни сарфлаш прогрессив нормаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, буюмларнинг сифатини ва техникавий даражасини ошириш бўйича олиб бораётган ишларини чуқур ва малакали таҳлил этиш тўғрисида таклифлар киритишди.

Қуйи звеноларда бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлар натижалари сайланган партия активининг сифат составини яхшилаш бўйича район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олиб борган катта ишдан далолат бериб турибди. Бу иш Киров, Фрунзе, Ҳамза ва бошқа район партия комитетларида муваффақиятли ўтказилди. Ўтган йилга таққослаганда ишчилардан сайланган цех партия ташкилотлари секретарлари сони ошди. Партия группалари ташкилотчиларини н г 28 процентдан зиёдроғи ва цех партия ташкилотлари секретарларининг 26 процентга яқинини хотин-қизлар ташкил этди. Янги сайланган цех партия ташкилотлари секретарларининг 50 проценти олий маълумотга эгадир.

Шу билан бирга, цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлар уларга тайёргарлик кўришда партия комитетлари ва бюроларининг айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйганини кўрсатди. Экскаватор заводи қуюв цехи, Ўрта Осиё темир-йўл бошқармаси локомотив хўжалиги хизмати, Марказий универсаль магазининг галантерея бўлими, пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси илмий-тадқиқот бўлими партия ташкилотлари йиғилишларида коммунистларнинг муайян қисми иштирок этмади.

Заргарлик заводи металл буюмлари монтаж қилиш цехи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-цехи, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехи партия ташкилотлари секретарлари ва бюролари ҳисобот докладларида, нотиқларнинг сўзларида олдинги ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорининг қандай бажарилгани, коммунистларнинг таклиф ва танқидий мулоҳазалари қандай адо этилгани ўз ифодасини топмади.

Афсуски, докладларни шунчаки номигагина муҳокама қилиш ва сийқаси чиққан нутқлар ҳам учради. Уларда «ишонтириб айтамизки», деган ўзгармас ваъдалар ҳам бўлди. Баъзи ҳолларда докладчи ва сўзга чиққанлар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини айтиш билан кифояландилар. Ютуқ ва нуқсонлар сабабларига чуқур киириб бормадилар. Коммунистлар ҳамиша ҳам камчиликлар ҳақида гапирганларида унинг конкрет айбдорлари номини тилга олишмади. Бу тасодифий ҳол эмасга ўхшайди. Партия комитетлари ва бюролари партия демократияси принципларини ҳаётга изчил тадбиқ этиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш устида бундан буён ҳам қатъий иш олиб боришлари зарур.

Булар жузъий нуқсонлар бўлиб, ҳисобот-сайлов кампаниясининг умуман муваффақиятли ўтишига таъсир этмади, албатта. Бироқ, бу нуқсонлар ҳар бир йиғилишга янада талабчанлик билан тайёргарлик кўриш лозимлигини кўрсатади. Бу тайёргарликда эса майда-чуйда нарсалар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Тошкент партия ташкилотлари, барча меҳнат коллективлари беш йилликнинг тўнгич йилини якунлашдек масъулиятли даврга юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятида қадам қўйдилар, «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» меҳнат вахтасида туриб ишлямоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидаги кўрсатмалар асосида улар халқ хўжалигининг барча участкаларида, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий ёндошиш вазиятини яратишга интилмоқдалар. Бунинг учун ҳар бир партия ташкилоти, барча коммунистларнинг эътиборини ўз фаолиятлари услуб ва методларини, қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилиш ва текширишни янада такомиллаштиришга, коллективлардаги ишнинг аҳволига партиявий таъсирни кучайтиришга қаратиш муҳимдир.

Бу йилги ҳисобот-сайлов кампанияси шуни кўрсатадики, партия ташкилотлари бу ишларга қодирдирлар, ўзларининг бош вазифалари — беш йиллик ва 1981 йилда маҳсулот барча турларини, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини муайян даражада ўстириш, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшиш эканини равшан тушунадилар.

И. ЧИЖЕНОК,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлимининг мудири.



Шаҳримиздаги «Ташхимсельмаш» заводи коллективи йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун самарали меҳнат қилмоқда. Сиз суратда корхонакинг пешқадам ишчиси, Коммунистик меҳнат зарбдори Константин Понкратовни қишлоқ механизаторлари учун тайёрланган янги «ОВХ — 14» маркали чаклагич-пурнагич аппаратини созлаш пайтида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

• МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙЛИК

Акмал Икромов ва Сергели районлари мусобақаси

Икки мусобақадош районнинг ишлаб чиқариш коллективлари Улуғ Октябрнинг 64 йиллигини муносиб меҳнат билан нишонладилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Маҳсулот реализацияси бўйича январь-октябрь ойлари планини Акмал Икромов райони 2,1 процент, Сергели райони 0,7 процент ортиғи билан адо этди. Бу планга қўшимча 2.109 минг сўмлик ва 10.75 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш имконини берди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми план кўрсаткичидан 2,8 ва 1,2 процент юқори бўлди, ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 5,8 ва 7,9 процентни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигини юксалтириш планини Акмал Икромов райони 103,2 процент, Сергели райони 103,3 процент бажарди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати районларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,0 ва 5,1 процент юксалди.

Мусобақадош районларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда 5.746 минг сўмлик ва 1.834 минг сўмлик юксалди. Бунда Акмал Икромов районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 86,2 процентига, Сергели районида 65,8 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Ҳисоблаш техникасини ремонтдан чиқариш заводи, қишлоқ хўжалиги машиналари заводи, «Узбекпромсантехмонтаж» трести, «Ташсельмаш» заводи, «Средазкабель» бирлашмаси, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси, «Средазэнергосетьпроект» институти, «Средазгипроводхозкомплект» институти, «Средазгипроцветмет» институти, «Средазгипрокислородмаш» институти, «Средазгипрорис» институти, «Средазгипрогазочистка» институти, «Средазгипрорудмаш» институти, «Средазгипроцветмашавтоматика

Муҳаббат ва нафосат достони

(СССР БОЛЬШОЙ ТЕАТРИНИНГ «ҲИНД ДОСТОНИ» БАЛЕТИ ҲАҚИДА)

Яхши санъат — томошабинлар учун ҳамма вақт байрам. Икки марта Ленин орденли СССР академик Большой театри ўлкамизга катта санъат—чинакам байрам олиб келди. Тошкентда ўзбек композитори Улуғбек Мусаевнинг «Ҳинд достони» балети Большой театр постановкасида кўрсатилди. Балетнинг довруғини эшитиб, уни интизорлик билан кутиб олган минглаб томошабинлар муҳташам қасрни тўлдириб, бекиёс нафосатдан лол бўлиб, завқ-шавқ билан томоша қилдилар. Ўзи бир каттакон санъат обидаси бўлмиш сарой, кўзларни чақнаган, сўзларидан бол томган томошабинлар ва мўъжизали томоша намойиш этилаётган саҳна баайни бир бутун гўзалликка айлангандай.

Ҳар қандай яхши санъат катта ижодий меҳнат ва чинакам маҳорат маҳсули бўлади. Саҳна санъати— коллектив ижод. Шу боис бир яхши спектаклнинг майдонга келишида юзлаб кишилар бир эзгу ният билан, бир ёқадан бош чиқариб ижод қилади. Айниқса балетнинг тўғилиши машаққатли кечади. Большой театрнинг «Ҳинд достони» балетида ҳам ана шундай мураккаб ижодий жараёнинг муваффақиятли якунини, авторлар, постановкачилар ва ижрочилар коллективи машаккатли меҳнатининг гўзал самарасини кўрамиз.

«Ҳинд достони» — совет балетининг муҳим ютуғи. Бу ютуқ омилларидан бири адабий манбадир. Атоқли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг машҳур «Кашмир қўшиғи» қиссаси ўз мавзуи, поэтик таровати, умумлашма кучи ва бадиий қудрати билан музика ва саҳна воситаларини тақозо этарди. Атайин балет учун яратилгандай. Қиссага Большой театр балетмейстерлари Ю. Скотт билан Ю. Папколарнинг назари тушиб қолгани ва унинг асосида либретто ёзгани ҳам шу жиҳатдан табиийдир. Улар адабий манбадаги конфликтни, нафосатни, умумминсоний ғояларни яхши илғаб олганлар. «Кашмир қўшиғи» муҳаббат ва нафосатнинг абадийлиги, жаҳолат ва ёвузликнинг муқаррар мағлуб бўлиши ҳақида жўшқин ҳикоя қилувчи қиссадир.

Ёш композитор Улуғбек Мусаев адабий манба —«Кашмир қўшиғи» нафосати ва ғояларидан руҳланиб, яхшигина либреттога таяниб, ўзининг «Афсоналар водийсида» балетини ёзди. Балет ўз пайтида Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театрида қўйилган эди. Асар ҳам музика, ҳам саҳналаштирилиши жиҳатидан янгилик бўлганди. Аммо композитор ҳам, балетмейстерлар ҳам изланишда давом этиб, балетни ҳар жиҳатдан мукаммаллаштирдиларни орзуси билан яшадилар. Уларни Большой театрнинг бош балетмейстери, СССР халқ артисти, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати Ю. Н. Григорович қўллаб-қувватлади. Шу тарзда ўзбек композиторининг балети Иттифоқимизнинг, қолаверса, жаҳоннинг энг катта саҳнасига йўл олди.

Адабий манбада бўлганидай, спектаклда ҳам инсон эрки, озодлик учун, тинчлик ва фаровонлик учун зулмат ва ёвузликка қарши кураш руҳи ҳукмрон. Шу маънода спектакль замонавий жанрлайди: фашизм келтирган миллионлаб қурбонларни, хароборзорга айланган нечоғ ўзгал шаҳарлар ва юртларни ёдимизга солади: шу кунларда ядро уруши васвасаси билан ер юзига даҳшат солаётган ҳозирги Хоруд ва Дурмонлардан огоҳ бўлишга чақиради. Ҳа, спектакль рамзий, фалсафий маъноларга тўла. Зеро, «Кашмир қўшиғи»нинг ўзи ҳам асрлар елкасила келган шарқона афсонанинг оддий тавсифи эмас, балки ўз она юрти ва дунё ташвишлари билан яшаб келган, инсон бахти, фаровонлиги ҳамда кураёш заминда тинчлик барқарор бўлиши учун жонбозлик кўрсатиб келаётган ёзувчининг инсоний, гражданлик ва интернационалистик руҳи ва мушоҳадаларини ҳам ўзида жамулжам қила олган фалсафий қиссадир. Композитор, балетмейстерлар, дирижёр ва ижрочилар бу руҳни яхши сезганлар ва спектаклда акс эттиришга интилганлар.

Ҳам музика,ҳам балет кўп жиҳатдан новаторона моҳиятга эгадир.

«Талантли, келажаги янада порлоқ композитор Улуғбек Мусаев ғоятда масъулиятли темага қўл уриб, яхшигина ютуққа эришди. Шу боисдан унинг ишига Большой театр коллективи ҳам қизиқиб қолди», — деб ёзган эди Юрий Григорович. Ҳа, ёш ўзбек композитори чинакам маҳорат кўрсатди. Зеро, адабий манбадаги мураккаб поэтик ва фалсафий ғояларни, гўзалликни чуқур идрок этиб, музика воситалари билан тасвирлаш ҳазилакам иш эмасди. Шуни айтиш керакки, Улуғбек Мусаевнинг мана шу ўзига хос музикаси Большой театрнинг РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, дирижёр А. А. Копилев раҳбарлигидаги оркестри томонидан юксак маҳорат, новик дид билан ижро этилади.

«Ҳинд достони» балетининг ютуғида либретточи-балетмейстерлар Ю. Г. Скотт билан Ю. В. Папколарнинг хизмати катта. Улар балетни «Афсоналар водийсида» номи билан Тошкентда саҳналаштирганлар ҳам излаунинг Европа классик рақси қонуниятлари доирасида мяллий ўзига хос бўлишига интилган эдилар. Шу мақсадда шарқ рақси ҳаракатлари киритилган эди. Аммо постановкачилар ўз ишларидан охиригача қаноат ҳосил қилмадилар. Шунинг учун ҳам улар балетни Большой театрда қўйиш олдидан Ҳиндистонда бўлиб, қадимий мамлакатнинг ўзига хос маданияти, табиати, урф-одатлари билан яқиндан танишадилар, анъанавий ҳинд рақслари услуби ва воситаларини қунт билан ўрганадилар. Сафарда орттирилган таассуротлар, билим, мулоҳаза ва ўйлар балетда ўз ўрнини топди, Балетда Ғарб ва Шарқ классик рақслари воситаларининг синтези ҳосил бўлган деб баралла айтиш мумкин. Оёқ учида ўйнаш, қоматни ғоз тутиш, мураккаб композицион қурилишларда Европа рақси, қўл ва бош ҳаракатлари кордебалетнинг шиддатли ўйинларида Шарқ рақси ўзини кўрсатиб турибди. Аммо биз сунъий равишда ажратаётган ҳаракатлар спектаклда бир бутун, яхлит бадиий организмни ҳосил этган. Айниқса, лирик саҳналар, Наргис ва Бамбур монологлари ва дуэтларининг одатдаги классик формада эмас, балки миллий, шарқ рақси воситалари билан тасвирланиши спектаклнинг ўзига хос новаторона бўлиб чиқишига олиб келган.

Энг муҳими, спектаклда ягона ритм, уйғунлик, бадиий яхлитлик ҳукмрон, оркестр ҳам кордебалет ҳам, ижрочилар ҳам, рассом Н. Н. Золотарёв ҳам баҳамжиҳат асар ғояларини очишга интилишган.

Солистлар ижросига тариф йўқ. Бири биридан ўткир ва моҳир. Наргис (А. А. Михальченко), Бамбур (В. В. Анисимов), Баҳор (Н. В. Тимофеева) —ҳар бири ўзининг ҳиссий-руҳий гўзаллиги, эзгуликкa интилиши, олижаноблиги билан кишини ўзига ром этади. Зулмат, ёвузлик ва сотқинлик тимсоли бўлмиш Хоруд ва Дурмон образлари солистлардан Б. Б. Акимов билан В. В. Деревянко томонидан фавқулодда юксак маҳорат билан яратилади. Умуман ижрочилар ўз қаҳрамонларининг қиёфаларини гавдалантириш билангина чекланмай, уларнинг психологиясини тадқиқ этишга интиладилар.

Ҳа, «Ҳинд достони» балети ҳақиқий санъат байрамидир.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

СУРАТДА: «Ҳинд достони» спектаклидан бир саҳна.

А. Абалян ва **С. Маҳкамов** фотоси.

Бўстон

Бу бўстон саҳнида гул кўп, гаҳан кўп...
Алишер Навоий.

ЭТЮДЛАР

МУСАВВИР

Ҳамиддулла бува бугун ҳар кунгидан эрта уйғонди. Шошилмасдан чорпоядан тушди, крининг олдига келди-да, сочиғини токка илиб, муздай сувда роҳатланиб ювинди. Артиниб уйга кирди.

Бува урушда омон қолган ўнг қўли ёрдамида кийинди. Костюмининг қўлсиз бўш енгини чап чўнтагига тиқиб қўйди. Сочлари қордек оқарган бошига янги чуст дўпписини кийиб кўчага отланди. Бува йўловчилар оқимига қўшилиб, шаҳарнинг маркази томон кета бошлади. Ҳали эрта бўлганлиги тўфайли, сартарошхона очилгунча истироҳат боғига кириб бир оз айланмоқчи бўлди.

Боғнинг йўлаклари топ-тоза қилиб супурилган, ям-яшил дарахтлар, ранг-баранг анвойи гуллар тунги ёмғирдан кейин яна ҳам гўзаллашган, ажиб чирой очган эди. Табиатнинг бундай тенгсиз фусункорлиги ва тароватига мафтун бўлган отахон боғни анчагача сайр қилди. Бир вақт соатига қараса— тўқ қиздан ошибди. Бува боғдан чиқиб, сартарошхонага кирди, сочини олдирди, соқолмўйловини текислатди.

Уйига қайтар экан, болалар боғчаси ёнидан ўтаётиб кафтдек теп-текис асфальт майдончага кўзи тушди. Бир-биридан чиройли жажжи ўғил-қизчалар майдоннинг ҳар ер-ҳар ерига чўккалаб олишиб, бўр билан расм чизишарди. У ўзига яқинроқ жойда чўкка тушиб, чап қўлини ерга тираганича ўнг қўли билан расм чизаётган 5—6 ёшлар чамасидаги ўғил боланинг ёнига чўкди.

Бола бувани сезмади. У бутун диққатини ўз «ижоди»га қаратганди. Афти жиддий тус олган, жажжигина оғзидан тилининг учини сал чиқариб, ҳафсала билан тумшуғига дарахт бутасини тиштлаб олган кабутарнинг расмини чизарди. Тўғри, бола тумшуғига зайтун бутаси тиштлаган кабутар расми тинчлик рамзи эканлигини ҳали тасаввур ҳам қилолмайди. Лекин у ҳам машҳур француз рассоми Пабло Пикассо чизган, кейинчалик прогрессив инсоният орасида тинчлик рамзи бўлиб қолган оқ кабутарнинг расмини чизарди.

Бува боланинг бошини ўзининг залворли ёлғиз ўнг қўли билан астатина силаб қўйида, ундан сўради:

— Ўғлим, ниманинг расмини чизяпсан?

— Каптарни. —Бошини кўтармасдан жавоб берди бола.

— Ўнинг ўрнига осмонда учиб юрган ракетани, фашистларни яксон қилган танк ва самолётларни чизсанг бўлмайдими?

Бола ердан бошини кўтариб, бувага қаради ва жиддий оҳангда гапирди:

— Нимага ундай дейсиз? Бувимлар ҳар кўни «Илоё тинчлик бўлсин!», «Урушнинг номи ўчсин!» деб дуо қиладилар. Сиз бўлсангиз...

— Балли ўғлим! Бувинг тўғри айтибди. Мен сени бир синаб кўрай девдим-да. Урушнинг оти ўчсин! Энди сираям уруш бўлмасин.

Ҳамидулла бува шундай деб боланинг бошини ёлғиз ўнг қўли билан қайта-қайта силади-да, ўрнидан кўзғалди.

Энди бува масрур кайфиятда уйи томон кетиб борар, боланинг айтганларини хаёлан бот-бот такрорларди. Лабларини сезилар-сезилмас кимирлатиб, беихтиёр ичирларди: «Ҳа, ҳозирги кунда бутун башарият тинчлик учун курашмоғи, тинчликни эҳтиётлаб асрамоғи лозим. Ер юзидаги прогрессив инсониятнинг мақсади ҳам, маслаги ҳам ана шу...».

ЛАЙЛИТОЛ

Қўшнимизнинг ҳовлисидаги ҳовузча бўйида бир туп мажнунтол бор. Унга боқиб тўймайсан.

Айниқса баҳор чоғлари унинг чиройи ўзгача. Эгнида ям-яшил либоси ўзига бирам ярашган, бирам ярашган. Гўё иффатли, ҳаёли, ор-номусли келинчакка ўхшайди. Назаримда у майда-майда қилиб ўрилган сочларини ҳар томонга ташлаганча бошини қуйи солиб ўтиргандек.

Йўқ унга ном қўйишда янглишишган. Уни «Лайлитол» деб аташганда тўғрироқ бўлармиди. Ундаги зеболик, осудалик, нафосат шоирлар қаламига илҳом берувчи бокира, покдомон аёлларимизга хос эмасми ахир?!

Дилхуш сарин шабада эса бошласа у ҳам тизим-тизим узун новдаларини енгил қимирлатганча шамолга монанд тебрана бошлайди, баҳор қўшиғини беун куйлашга тушади.

У нималар ҳақида куйлар экан?

Ҳазон бўлган севгисини қўмсаб, уни «сабо» аталмиш мусиқага вобаста айлаганича, сўзсиз ҳижрон қўшиғини айтмаётганмикин?!

Лайлитол деб атаганим балки беўхшов, ноўриндир. Аммо ҳар сафар уни кўрганимда кўз ўнгимда Мажнуни ишқида ёниб куйлаётган гўзал Лайли қиёфаси намоён бўлаверади.

Илҳом ҲАФИЗОВ.
Самарқанд области.

«БУЮК СЎЗ УСТАСИ»

Куни кеча пойтахтимиздаги Навоий номли республика Давлат кутубхонасида таниқли рус ёзувчиси Ф. М. Достоевский туғилган куннинг 160 йиллиги муносабати билан «Буюк сўз устаси» номли кўргазма очилди. Ушбу кўргазма 150 дан зиёд экспонатлардан иборат бўлиб, у тўрт қисмга ажратилган.

Кўргазманинг биринчи қисми буюк ёзувчининг ижодий меросини ташкил этади. Унда ёзувчи танланган асарларининг ўнлаб нашрлари, биринчи нашрдан тортиб энг сўнгги янги нашрлргача ўрин олган. Иккинчи бўлим эса ёзувчининг ўзбек тилига таржима қилинган, республикамиз нашриётлари чиқарган асарларидан иборат. Учинчи қисм эса «Достоевскийни бутун жаҳон халқлари ўқийди» деб аталади. Унда Достоевскийнинг инглиз, француз, немис, испан ва бошқа тиллар ҳамда Ўрта Осиё халқлари тилларида нашр қилинган асарлари намойиш қилинмоқда.

Кўргазманинг тўртинчи бўлими ёзувчининг ижод ва ҳаёти саҳифалари, таржиман ҳоли, яшаган жойлари ҳақида қисқа ҳикоя қилади. Ушбу бўлим иллюстрациялар, репродукция ва фотографиялар билан тўлдирилган.

ВАҚТНИ ТЕЖАШ

(ҲАЖВИЯ)

Биз ҳам болажонли оталарданмиз. Ҳар куни ишдан қайтгач ширин-шакар фарзандларимни боғчадан олиб келаман. Лўла болишга ёнбошлаб пишиллаб овқат еймиз. Соат ўн саккизу нол-нолдан бошлаб болажонларим телевизорни қўйишади. Кино, театр, концерт, мультфильм... хуллас, то диктор табассум билан «эшиттиришимиз тугади» демагунича шу тўртбурчакли қутичанинг қулоғини биримиз олиб, биримиз қўйиб бурагаминиз бураган. Спорт эшиттиришлари бўладиган кунику хотиним билан жиққамушт бўламиз. Худди шу вақтда хоним бошқа программада «Қўшиқ айтан етар муродга» музикали эшиттиришини кўргилари келиб қолади. Икки орада телевизорнинг қулоғига жабр. Мен футболга бурайман, хоним концертга. Бир куни денг нимадир бўлди-ю, телевизоримизга кўз тегди. Ҳе, йўқ, бе йўқ, ўзидан-ўзи овози ҳам, ранги ҳам ўчди қолди. Инқиллаб-синқил л а б, устахонага олиб бордим. Устага ялиндим.

— Жон ука, нима қилиб бўлса ҳам шу савилни тезроқ тузатиб беринг, яқинда хоккей чемпионати бошланади.

— Бўш вақтим бўлса қараб кўярман, — деди уста негадир қовоғини солиб.

Хунобим чиқиб, уйга қайтдим. Уғилчаларим дарс тайёрлаётган экан. Хотиним эса, анчадан бери тугата олмаган халатини машинада тикаяпти. Кириб келишим билан ҳаммалари «Хўш, нима бўлди», дегандек қарашди. Нима ҳам дея олардим. Елкамни қисиб, кўзларимни ерга қададим. Болаларим тумшайиб, китобларига қарашди. Кичиги «пиқ-пиқ» йиғлаб юборди. Каттаси ҳам пастги лабини тишлаб, йиғлашга шай турибди. Ҳаммадан ҳам хотинимники ошиб тушди.

— Нима қилиб дўппи кийиб юрибсиз, рўмол ўраб олинг-э, шу ишни ҳам қойил қила олмасангиз, —дейди-я! «Сенларга кўрсатаман ҳали» дедим. Албатта ичимда. Шундай дедим-у диванга чўзилдим. Зеркаснимдан китоб жавонидаги Александр Дюмонинг китобини қўлимга олдим. Шунча вақтдан бери шу китобни ўқиб чиқишга қўл тегмаган, тўғрироғи, вақт етмаган эди. Қандай ажойиб! Китоб эмас, олам-олам кувонч! Шу кундан бошлаб китоб ўқишга жиддий киришдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир ой ичида кутубхонамиздаги барча бадиий, ҳатто илмий фонтастика китобларгача ўқиб тугатдим. Ўртоқларим ҳам ҳайрон. Кўча-кўйларда «бир-бир» қилиб, гандираклаб юришлар умуман йўқолди. Кўлимда доимо китоб ё журнал. Илмий-оммабоп лекцияларга ҳам мунтазам қатнаб турибман. Яқинда цехимизда «Марсда ҳаёт борми?» деган, мавзуда лекция ўқидим. Айтишларича лекциям кўпчиликка маъқул бўлибди.

Энг муҳими, бўш вақтдан серунум фойдалана билиш керак. Бунинг асосий ва ягона йўли телевизорни устахонага топшириш! Амаллаб телевизорни бузсангиз бас. У ёғи ўзи юришиб кетади. Устахона шунақа жойки, бир ҳафтада тузаладиган ойнаи жаҳонингиз бир ойгача ҳам қилт этмай ётаверади. Мана ўзимдан қиёс. Яқинда ўша устага қўнғироқ қилувдим, «жон акахон, ҳеч кўл тегмаяпти, денг, шу бугун кўриб кўяман» деб роса ишонтирди. Мен унга асло шошилмасликни, бамайлихотир тузатишни илтимос қилдим. Уста ҳам ҳайрон бўлди. Билмайди-да, билмайди. Мана, бир ой ичида болаларимнинг ўқиши анча тузелиб қолди. Кичиги ҳатто математикадан «тўрт» баҳо олибди, шумтака! Хотинимни айтмайсизми, кўйлакларимга дазмолни дам-бадам босадиган бўлиб қолди. Энг муҳими, ҳамма тугмаларим қаданган. Тағин тескари эмас, ўнг қадалган. Худо кўрсатмасин, устанинг қўли бўшаб, навбат менинг телевизоримга келиб қолса! Йўқ, йўқ, асло! Устага бориб, яна ремонтни бир ойга чўзишини сўрайман. Сўрайман эмас, ялиниб-ёлвориб илтимос қиламан. Ахир уста ҳам инсон-ку, мени тушунса керак!

Равшан ИБРОҲИМОВ.

ЎҚУВ ТЕАТРИ САҲНАСИДА

«ДАБДАБАЛИ ТЎЙ»

Барча миллатлар ва элатлар муҳаббат, вафо ҳақида ўнлаб афсоналар яратганлар. Кейинги даврда ана шу мавзуда қўплаб романлар, ҳажмли драма ва комедиялар яратилди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос талқинга ва руҳга эга. А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг ўзбек музикали театр факультети дипломантлари яқинда саҳналаштирган спектакль ҳам ана шу мангу навқирон мавзуга бағишланган. Спектакль крим-татар драматурги Ю. Болат асари ва композитор Э. Налбандов музикаси асосида яратилган.

Спектакль жўшқин хор садоси билан бошланади. Оҳиста тонг ёриша бошлайди. Ҳожи отанинг икки қаватли хашаматли уйи кўз олдимизда намоён бўлади. Еш, навқирон Обид исмли йигит севган ёри гўзал Нигорни сабрсизлик билан кутмоқда. Обид муҳаббат ҳақидаги ариясини ижро этади. Зал узра ҳазин оҳангли куй янграйди...

Пьесани институтнинг актёрлик маҳорати кафедраси доценти А. Сайфуддинов саҳналаштирган. Педагог режиссёр ҳар бир кўринишда нқки ёшнинг оташин муҳаббатини ёрқин очиб беришни мақсад қилиб қўйган.

«Дабдабали тўй» спектаклида яратилган бир қатор образлар томошабин хотирасида ўрнашиб қолади. Хасанбой (Д. Жўраев), Ойгул (Т. Рўзметова), Обид (Ғ. Ёрбеков), Нигор (М. Рустамова) сингари образлар бунга мисол бўла олади. Бўлажак актёрлар ўз қаҳрамонларининг ички кечинмаларини тўлароқ очиб беришга интилишган. Уларнинг саҳнавий ҳатти-ҳаракатлари ҳам жуда ҳаётий чиққан.

Спектаклнинг музикавий ижрочилиги унчалик талабга жавоб бермайди. Негадир спектакль фақат пианино, флейта ва ноғора садолари ҳамроҳлигида давом этади. Айрим роллар ижросида ҳам нуқсонлар мавжуд. Актёрларнинг кўп сўзлари томошабинларга етиб келмайди.

«Дабдабали тўй» спектакли дипломант актёрларнинг маҳорат сирларини дадил эгаллаётганликларини намойиш этди. Ўйлаймизки, бу спектакль уларнинг катта санъатда кўлга киритадиган муваффакиятлари дебочаси бўлади.

М. ФАТТОҲОВ,
Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг катта ўқитувчиси.

СУРАТДА: «Дабдабали тўй» спектаклидан бир кўриниш.
А. Митрофанов фотоси.

● ЁШЛАР ИЖОДИДАН

СЎҚМОҚЛАР

Беором тунлардек сўнгсиз сўқмоқлар,
Уфқнинг кўксига бориб санчилар.
Не-не умидларга бўлиб пояндоз,
Қадамлар остида ялчилар.
Ҳар бир ўткинчининг орзуларига,
Сўқмоқлар устида қурилган бекат.
Ўша умидига интилиб инсон,
Ҳаёт сўқмоғида чекар машаққат.
Ўша йиллар узра ҳар бир йўловчи,
Сафарга отланар мақсадни кўзлаб.
Умрини сарфлайди елиб-югуриб,
Йўқотиб кўрмаган бахтини излаб...

∴ ∴ ∴

Ҳаёт заҳматининг исканжасида
Лоқайд яшамоққа берилмас имкон.
Умр соатлари тигиздир жуда,
Қадамнинг ўлчаби замин ва замон.
У болалик эди. Онамизга биз
Кундалик ишлардан бераркмиз ҳисоб.
Бугун ҳисоб сўрар биздан дунёмиз,
Йигитликнинг бурчи беҳад, беҳисоб.
Мана, остонадан жилдик бир қадам,
Демак, курашларга отади ҳаёт.
Бизнинг ҳукмимизга интиқдир олам,
Лоқайд яшай олмас ахир одамзод.

∴ ∴ ∴

Гарчи у ер узра туғилди, ўсди,
Тупроққа бир умр қўйдн эътиқод.
Лекин, ҳаёл доим кўкларга учди,
Самога йўл излаб ўтди одамзод.
Сайёралар бағрин айлади орзу,
Сарф этиб умрини, матонатини.
Балки кўриб қолар унда яққолроқ,
Ерда илгамаган гуноҳларини.

∴ ∴ ∴

Ҳайрон қоладиган ҳеч гап бўлган йўқ.
Фақат нафратимни яширмоқ учун,
Ўзимни овутмоқ мақсадида мен
Севаман дегандим...
Агар ишонмасанг, —
Ўзингдан сўра.

Муҳамаджон ҲАЙДАРОВ.

БИР СИР БОРГА ЎХШАР

Бир сир борга ўхшар қизнинг тушмоғида
булоққа,
Тез қайтмагач, она дейди: Кетиб
қолди қаёққа?
Сув баҳона қилиб чиқса бўй етганлар
не анаб,
Бу синоат чалинмасин ўзга бирон қулоққа!
Сув келтириш эсдан чиқиб, ўсма қўяр
қиз бунда,
Ану суқсур йигит тушди ўзи қўйган тузоққа.
«Фалончининг кўзлари-ей, ақлу-ҳушим
олиздир»,
Хандон отиб қайтар қизлар эрк
бермасдан оёққа.
Инижонлар тушунмас-да, қойир баъзан
сингилни,
Киприкларга дур илиниб, гўбор қўнар қобоққа.
Хаёллари паришондир, уйқуда йўқ ҳаловат,
Емас, ичмас, истамасдан уннаб кетар ўчоққа.
Келди-кетди кўпаймоқда тагли-тугли
жойлардан,
Дерлар: Келдик қўлин сўраб, Сизга биз
«қул» бўлмоққа.
Бироқ, унинг юрагида ардоқлиси ўшалдир,
Уялади онасига бу ҳаққа сўз демоққа.
Бир сир борга ўхшар қизнинг тушмоғида
булоққа...

Жамшид ПИРИМОВ.
Душанба шаҳри.

МЕЪМОР

Боболар ҳоки шу ноёб обида,
У зулмат қаърида «ярқ» этган зиё.
Не фотиҳ, мазлумни этиб маҳлиё,
Қад ростлаб келди у юрт меҳробида.
Замонлар зайлидан букилди басти,
Қайтган ҳазин садо мазлумлар дарди.
Кўзларга сурилса тўтиё гарди,
Ўнгмаган ранглари нақшлар дасти.
Боболар руҳини шод этиб меъмор,
Кошинин «пуф-пуф»лаб, суртиб кўзига,
То абад хайр деб, босиб кўксига,
Кемтилган жойга босар таъзимкор.
Хароб гумбаз узра жой топган қушин,
Ўтмишни пайвандлар нур келажакка,
Қоматин кўз-кўзлаб ҳатто фалакка,
Энди у мангуга кўтарди бошин.
Обида қайтаркан қадим аслига,
Айланиб замоннинг ёшлик қасрига.
Мерос қолар экан авлод—насилга,
Меъмор шукронасин ўқир асрига.

Жўрабой КУРАШЕВ.
Ўш шаҳри.

СОҒИНЧ

Онажон, аллагни соғиндим, кетай.
Бугун ҳам алла айт бошимга келиб.
Майли гўдакликнинг шўх оламидай,
Кўрнисин дунёмиз беланчак бўлиб,
Майли, одамларнинг югуришлари,
Эслатсин гўдаклар ўйинин бу дам.
Розиман, муҳаббат, айрилиқ бари—
Кирмасин ҳаттоки тушларимга ҳам,
Бир нафас бўлса ҳам бу кўхна олам
Кайтсин гўдакликка,
Гўдакдек кулсин.
Онажон, алла айт, меннинг ҳам бағрим,
Беташвиш болалик завқига тўлсин.

Шавкат ПАРДАЕВ.

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА

ҚАҲРАМОНЛИК ЙИЛНОМАСИ САҲИФАЛАРИ

Бундан қарийб 60 йил муқаддам бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар хотираси бўлган тўппонча музей экспонатига айланди. Куни кеча вафот этган милиция майори, кекса коммунист Жўрабек Ниёзмуҳамедович Остоновнинг номи ёзилган бу қурол эндиликда Узбекистон милицияси тарихи ва жанговар шон-шуҳрат халқ музейи стендларидан муносиб ўрин олди. Музейда ҳуқуқ-тартибот посбонларининг қаҳрамонона ўтмиши ва ҳозирги куни тўғрисида ҳикоя қилувчи кўплаб экспонатлар, ҳужжатлар тўпланган.

Бу тўппонча бундан 60 йил муқаддам кўнгилли дружиначилар отрядининг ёш сиёсий раҳбари Жўрабек Остоновга топширилган эди. Жасур йигитга Аширмат кўрбошини қўлга олиш операциясига раҳбарлик қилиш топшириғи берилган эди. Кўрбоши бошлиқ каллакесарлар Панғоз қишлоғига уя қуриб олиб, одамларга кўп жабр-зулм килган эдилар. Отишма пайтида Жўрабек Остонов ярадор бўлди, бирок операцияга раҳбарлик қилишни давом эттирди. Уша пайтда унинг тўппончасидан қўплаб босмачиларга қирон келтирилган эди. Кўрбоши Аширмат қўлга олинди. Уни Тошкентга олиб келишни ҳам Остоновга топширган эдилар.

Босмачилар тор-мор қилинганидан кейин Жўрабек Ниёзмўҳамедович совет милицияси сафларида халққа хизмат қилишни давом эттирди. Ветеран, 1919 йилдан КПСС аъзоси бўлган Остонов Тошкент область Ички ишлар бошқармасида оддий милиционерликдан бошлаб бошқарма бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. У ёшлар билан тез-тез учрашиб турар, актив жамоат ишлари олиб борарди. Эндиликда Остоновнинг ўғиллари Иброҳим, Ботирбек, набиралари унинг ишини давом эттирмоқдалар.

Музей стенди ана шундай шонли ҳаёт тўғрисида ҳикоя қилади. Музей ташкил қилингандан бери ўтган етти йил давомида уни 40 мингдан ортик томошабин келиб кўрди. Ўлкада милиция ташкил этилиши ва қарор топишига бағишланган бўлим томошабинларда доимо катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Уша пайтларда милиция формаси, қурол-яроғлар етишмас эди. Эски ов милтиғи милиционерларнинг асосий қуроли эди. Бироқ, қизил милициянинг сафлари тўлиб борди: халқнинг энг яхши фарзандлари унинг сафларига келиб кўшилди.

Музейдаги ҳоналардан бири Улуғ Ватан уруши даврига бағишланган. Узбекистон милициясининг ходимлари ҳам фронтларда Ватан мудофаачилари сафларида жанг қилдилар. Тўрт киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди. Улардан уч киши ҳаёт. Г. В. Валиев Наманганда, И. П. Кирпиченко Самарқандда, А. А. Голубенко Тошкентда истиқомат қилмоқдалар.

В. И. Ленин «Милиция — Совет ҳокимиятининг кўзгуси» деган эди. Тинчлигимиз ва жамоат тартиби посбони бўлган кишилар ҳар соат ва ҳар куни сафда турибдилар. «Қалбимиз кўри, тажрибамиз ва билимимиз ёшларга», «Ота-боболаримиз йўлидан», «Дзержинский ворислари», «Аньаналарга содиқмиз» деб аталган стендлар милициянинг бугунги кунига бағишланган.

...Фикр-мулоҳаза л а р ёзиб қолдириладиган дефтарларни варақлаймиз. Революциянинг содиқ фарзандлари тўғрисида, жасур чекистлар ҳақидаги хотира шунчалик меҳр-муҳаббат билан авайлаб сақланаётганлигини кўриб ғоят таъсирландик, — дейилади ёзувлардан бирида»... Яна кўйидагиларни ўқиш мумкин: «Музей материаллари катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, милиция ёш ходимларига ўзларининг машаққатли, лекин олижаноб касбидан фахрланиш туйғусини сингдиришга кўмаклашади».

Э. ТУХВАТУЛЛИНА.
УзТАГ мухбири.

1981 ЧЕМПИОНАТ 36 СССР 1982

Пешқадамга тенг келиш қийин

Тошкентнинг «Бинокор» командаси бу йилги мавсумда чиройли ўйин кўрсатиб, мухлисларни хушнуд этмоқда. Ҳозир у пешқадамлар сафида бораётганлиги яна-да қувонарлидир. Шунга қарамасдан, тошкентлик хоккейчилар бир хил ўйин кўрсатишяпти, тактик ва техник жиҳатдан юксак маҳорат намойиш этишяпти, деб бўлмайди. Командада ўз ўйин услубини шакллантириш учун олиб борилаётган изланиш ишлари ҳали тўла ниҳоясига етгани йўқ. Буни сафарда бўлган учрашувларда қайд этилган натижалар исботлаб турибди.

Аввалги ҳисоботдан кейин тошкентлик хоккейчилар сафарда тўрт учрашув ўтказишди. Улар дастлаб Қозон шаҳрида маҳаллий Урицкий номли спорт клуби хоккейчилари билан икки марта беллашдилар. Ҳар иккала учрашувда ҳам командалар фақат ғалабага эришиш учун бор имкониятларини ишга солишди. Ана шундай ҳал қилувчи дақиқаларда бинокорчиларда қатъийлик, ирода етишмади. Натижада улар икки марта мағлубият аламини татиб кўришга мажбур бўлишди.

Улар кейинги икки учрашувни ҳам сафарда ўтказдилар. Бу сафар хоккейчиларимиз аввалги учрашувларда бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдиришга уриниб кўришди. Бунга бирмунча эришдилар ҳам. Биринчи учрашувда 7:7 ҳисоби қайд этилган бўлса, такрорий учрашувда бинокорчилар 4:2 ҳисобида ғалабага эришишди. Шундай қилиб, уларнинг активидаги очколар 28 тага етди. Улар турнир жадвалининг бешинчи погонасидан жой олишди.

Марказий «Юбилейний» спорт залида ўтказилган икки учрашув ҳақиқий маънода «Бинокор» учун маҳорат синови вазифасини ўтади. Бу сафар ҳамшаҳарларимиз бир неча марта мамлакат биринчилигининг олий лигасида баҳс юритган Новосибирск шаҳрининг «Сибирь» командаси хоккейчилари билан беллашдилар. Дастлабки учрашувда мезбонларнинг омадлари юришмади. Шу боисдан ҳам биринчи бўлимда 3:1 ҳисобида меҳмонлар ғолиб чиқишди. Иккинчи бўлимда эса кучлар тенг келди. Ҳар икки дарвозага бир мартадан шайба киритилди. Тошкентлик спортчилар нима бўлса ҳам мағлубиятдан қутилиш чораларини кўришди. Улар меҳмонларни ўз жарима майдонларидан чиқармай қўйдилар. Натижада рақибларнинг дарвозасини икки марта ишғол қилиб, ўз дарвозаларидан бир марта шайба ўтказиб юборишди. Меҳмонларнинг дарвозасига шайбаларни Каримов ва Антиповлар киритдилар. Лекин бу ғалаба учун етарли бўлмади. Натижада бинокорчилар ўз майдонларида жуда муҳим бўлган икки очкони йўқотишди.

Такрорий учрашувда майдондаги вазият бутунлай бошқача бўлди. Биринчи учрашувда йўл қўйилган хатолар жиддий муҳокама этилганлиги ва уларни қандай бартараф этиш ишлаб чиқилганлиги яққол кўзга ташланди. Мезбонлар дастлабки минутларданоқ ҳужумга ўтиб беришди. Натижада бешинчи минутда меҳмонларнинг дарвозасига шайба киритилди. Бу пайтда майдонда Парфенчик—Розов—Галкин звеноси ҳаракат қилаётган эди. Ниҳоятда тезкорлик билан амалга оширилган ҳужумни Галкин ниҳоясига етказди. Умуман олганда биринчи бўлимда тошкентликлар илҳом билан ўйнашди. Шу боисдан ҳам меҳмонларнинг дарвозасига кетма-кет яна учта шайба киритилди. Шайбаларнинг авторлари— Самохвалов, Колганов, Галкин бўлди.

Лекин «Сибирь» командаси ўзининг ҳужумкорлиги билан машҳур эканлигини хоккейчиларимиз бироз унутиб қўйишди. Натижада қисқа муддат ичида «Бинокор»нинг дарвозаси уч марта забт этилди. Фақат сўнгги дақиқаларда бинокорчилар шиддатли қарши ҳужум уюштириб, ҳисоблар ўртасидаги фарқни ўзгартиришга муваффақ бўлишди—6:3. Шундай қилиб, «Бинокор» бу сафар якка пешқадам «Сибирь»га тенг келди.

Ҳақиқий хоккей мухлислари бундай қилишмайди. Улар бу ҳақда ўйлаб кўришса, яхши бўлар эди.

ВЕЛОСИПЕДДА 27 МИНГ КИЛОМЕТР

Куни-кеча пойтахтимизга 29 ёшли саёҳатчи Леонид Алексеевич Лосьев кириб келди. Йўқ, у поездда эмас, самолётда ҳам эмас, икки ғилдиракли «Сура— 2» велосипедни миниб кириб келди.

17 апрелда Рига шаҳрининг Домская майдонидан йўлга чиққан Л. Лосьев 17 ноябрда мўлжалланган марраси бўлмиш шаҳримизга етиб келди. Ўтган етти ой муддат давомида у 27 минг километр йўлни босиб ўтди. Йўлда ёмғирларга, изғиринларга дуч келди. Тўғилган кунини, яъни 29 ёшини Леонид йўлда қарши олди.

— Бу антиқа саёҳатдан асосий мақсад, —дейди Л. А. Лосьев, — Пенза велосипед заводида ишлаб чиқаришга жорий этилаётган «Сура—2» янги моделдаги велосипедни синаш эди. Янги моделни бундай «қийноққа» солиш ташаббуси мендан чиқди ўзи. Велосипед конструктори Б. Кочаннинг ҳам бир уриниб кўринг, дейишдан бошқа чораси қолмади. Янги модель синовдан муваффақиятли ўтди, деб кафолат бера оламан.

СУРАТДА: Л. А. Лосьев муваффақиятли синовдан ўтказган «Йўлдош»и — «Сура-2» янги моделдаги велосипеди билан.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

«Спартак» стадионида кўплаб спорт секциялари ишлаб турибди. Сиз суратда теннис секциясининг раҳбари Ҳасан Шафиковни бир группа ёш теннисчилар билан машғулот пайтида кўриб турибсиз.

И. Шоиноғомов фотоси.

ЧЕМПИОН БЎЛИШДИ

Волейбол бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Қизлар Фарғона шаҳрида беллашдилар. Биринчилик учун ўтказилган мусобақаларда жами ўн икки команда иштирок этди. Финалга чиққан тўрт команда орасида тошкентлик қизлар ҳам бор эди. Аммо бу сафар улар бир имкониятни бой беришга мажбур бўлишди. Улар фарғоналик қизлар билан бўлган ўзаро учрашувда 2:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Шу боисдан ҳам умумий якунда иккинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлишди.

Ўсмирлар Қўқон шаҳридаги «Локомотив» спорт залида беллашдилар. Бу ерда тошкентлик ўсмирларнинг мусобақаларга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганликлари кўзга яққол ташланиб турди. Улар наманганлик ва сирдарёлик тенгдошларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ҳал қилувчи учрашув тошкентлик ва фарғоналик волейбочилар ўртасида бўлди. Бу сафар майдонда бироз тенг кураш борган бўлишига қарамасдан, мусобақа охирларида тошкентликлар ўзига хос жасорат кўрсатиб, ташаббусни ўз қўлларига олишди. Натижада улар бу сафар ҳам 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шундай қилиб тошкентлик ўсмирлар республика чемпиони унвонини қўлга киритдилар.

ҒАЛАБА ҚУВОНЧИ

Харьков шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат шахсий биринчилигида барча иттифоқдош республикалар, Москва, Ленинград шаҳарларининг вакиллари иштирок этишди. Республикамиз боксчилари бу мусобақаларда дуруст қатнашдилар. Улар бир олтин, бир кумуш, учта бронза жетонни қўлга киритиб, умумий якунда бешинчи ўринни эгалладилар.

Қўлга киритилган муваффақиятга тошкентлик спортчилар яхши ҳисса қўшдилар. Жумладан, 52 килограммгача оғирликдаги боксчилар баҳсида тошкентлик Б. Зокиров ҳам иштирок этди. У беш марта рингга чиқиб ҳар сафар ғалаба нашидасини сурди. Шуниси қувончлики, у олтин жетонни қўлга киритиш билан бирга СССР спорт мастери нормативини ҳам бажаришга муваффақ бўлди. Бу ютуқда унинг акаси Олимпия Зокировнинг ҳам ҳиссаси бор. Чунки у рингда курашиш сирларини анчадан буён ўз акасидан ўрганиб келмоқда.

48 килограммгача оғирликдаги боксчилар баҳсида ҳамшаҳримиз Ҳ. Нурмуҳамедов учинчи ўринни эгаллади.

НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

ШАРАФЛИ БУРЧ

Акмал Икромов райони пойтахтимизнинг аҳолиси энг гавжум районларидан бири. Район аҳолиси меҳнатда, ободончилик ишларида катта муваффақиятларга эришмоқда. Ўнинг осойишталигини сақлашда посбонларимизнинг алоҳида ҳиссаси бор. Кейинги пайтда районда жиноятчилик, тартиббузарлик кўринишлари сезиларли даражада камайди. Ички ишлар бўлими сўнгги икки-уч йил мобайнида кадрлар жиҳатидан махсус маълумотли, касбига меҳр қўйган ишчан ёшлар ҳисобига анча мустаҳкамланди. Жиноят қидирув, профилактика, социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши кураш бўлимларининг ходимлари ўз фаолиятларида район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг актив ёрдамига таянмоқдалар.

Милиция ходимлари жамоатчилик билан яқиндан алоқада бўлиб иш олиб бормоқдалар. Коллективлар, ўқув муассасаларида социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартибот нормалари ҳақида лекция ҳамда суҳбатлар ўтказиляпти. Кишилик осойишталигини сақлашда милиция ходимларига халқ дружиначилари ҳам катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Милиция сафидаги ветеранларнинг ёшлар билан олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, милиция капитани А. Соколов, старшина А. Қозоқбоев, А. Фадеев сингари милицияда кўп йил хизмат қилган ходимлар ўз тажрибалари, назарий билимлари билан ёшларга ўрнак кўрсатаяптилар, ёш милиция ходимлари орасида суҳбатлар олиб бормоқдалар, районда намунали жамоат тартиби ўрнатиш учун курашмоқдалар.

О. МУҲАМЕДОВ,
Акмал Икромов район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори.

ҲАР ТУҒРИДА

МУҲИМ КАМПАНИЯ

Кўча ва кварталларда тўлибтошиб ётган чиқинди ва ахлатлар Гонконг кишилари учун оддий ҳолга айланиб қолди. Гап шундаки, жаҳондаги аҳолиси қалин шаҳарлардан бири ҳисобланган, ҳар квадрат километр жойга 4.850 киши тўғри келадиган Гонконгда бундай ҳолнинг юз бериши ўта ташвишлидир.

Шаҳар кўчаларида ва соҳилларида минг тонналаб чиқиндилар тўпланиб қолган. Бу борада айниқса кўча сотувчилари ва магазин хўжайинлари ўзларининг «муносиб улушларини» қўшишяпти. Шаҳарликлар ҳам улардан қолишмайди, албатта. Ҳокимият органларининг махсус докладидан маълум бўлишича, одамлар ўзларига кераксиз буюмлардан қутулишнинг осон йўлини топиб олишган. Улар чиқиндиларни тўғридан-тўғри дераза ойнасидан пастга улоқтиришади. Кўприк остларидан истаган нарсаларни топиш мумкин. Пиводан бўшаган банкалар, овқат қолдиқлари, мебель синиқлари, эски телевизорлар ана шу рўйхатдан ўрин олади.

Ҳар ойда беш мингга яқин кишн тартибни бузганлиги учун жавобгарликка тортилади. Октябрь ойи охирларида Гонконг маъмурлари ўн тўрт ойга мўлжалланган тозалаш кампаниясини бошлаб юборди. Унда ўн олти минг киши қатнашиши ва ўн олти миллион доллар сарф этилиши кўзда тутилган. Кампаниянинг бориши тўғрисида телевизорда махсус фильмлар намойиш этилади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
В. И. Ленин номли Халқлар Дўстлиги саройида
27, 28 ВА 29 НОЯБРДА
Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнат зафарларига бағишланган

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Турғунбоева номидаги, Ленин комсомоли мукофоти лауреата, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «БАҲОР» халқ рақс ансамбли, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. ЖУРАЕВА, У. МУҲАМЕДОВА, Н. МАДРАҲИМОВА, М. ЭРГАШЕВА, Г. ФОЗИЛЖОНОВА, Р. ҲАМДАМОВ.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти лауреати Қ. ДАДАЕВ.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаббат ШАМАЕВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар— Ҳайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Камолиддин РАҲИМОВ, Ғуломжон ЕҚУБОВ, солистлар— Мунажат ЙЎЛЧИЕВА, Аҳмаджон ШУКУРОВ, телеминиатюра усталари— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар

Роза ҚАРИМОВА ва
Эргаш ҚАРИМОВ

Режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.

Музыка раҳбари— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати — Б. Т. АЛИЕВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари— Ўзбекистон ССР халқ артисти— Қ. МИРКАРИМОВА.

Концерт кеч соат 7 да бошланади, билетлар сотилмоқда.

«Ҳурмат белгиси» орденли Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Н. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИНИНГ
СССРнинг 60 йиллигига бағишланган

«ТЕАТР—БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЧУН»

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

23/XI— Нури дийдам Володя.
24/XI да— Қалдирғоч.
25/XI да — Фарзандим —жигарбандим.
26/XI да— Юмшоваари.
27/XI да—Ревизор.
28/XI да —Донишмандининг ёшлиги.
Спектакль кундуз соат 11 да бошланади.
Спектакдан сўнг драматург ва ижрочилар билан ижодий учрашув ўтказилади.

МУЗ ЖАВОНИ

Саноатимизда ўндан ортиқ маркада рўзғор холодильниклари ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг қайси бирини олган маъқул? Бу— ошхона ҳажмига, оила-аъзоларининг кўп ёки озлигига боғлиқ.

«САРАТОВ» холодильниги— унча катта бўлмаган оилани таъминлайди ва кичик ҳажмдаги квартирага мос тушади. «САРАТОВ» жавон шаклида қурилган бўлиб, унинг ичига музлатиш камераси жойлаштирилган.

Холодильник конструкциясида қалин ва юпқа буюмлар қўйиш, пештахталарини баланд-past қилиш кўзда тутилган. Эшикнинг ички томонида қадоқланган маҳсулотлар, тухум, шиша қўйиб сақланадиган пештахталар ва ўймалар ўрнатилган.

«САРАТОВ» холодильнигининг қисқача техник характеристикаси:
Холодильник камерасининг сиғими — 140 куб дециметр.
Ҳажмининг катталиги — 1040x585x470.
Оғирлиги— 58 кг.
Бир суткада— 2,0 киловатт-соат электр энергиясини сарфлайди.
Баҳоси— 210 сўм.

«САМАРҚАНД» холодильнигининг эритиш температураси— 12 С. Бундай температурада маҳсулот ўз мазаси ва тўйимлилик сифатини йўқотмасдан бир ой давомида сақланиши мумкин.

Холодильник эшигида ҳар хил бўртмалар ҳамда алоҳида панеллар, сабзавот ва мевалар учун махсус идишлар ўрнатилган. Эшикни очиш қулай бўлсин учун холодильникда тутқичдан ташқари оёқ билан босиб очадиган босқич ҳам бор.

«САМАРҚАНД» холодильнигининг асосий техник характеристикаси:
Музлатиш камерасининг сиғими— 240 куб дециметр.
Ҳажмининг катталиги— 1435x600x570.
Оғирлиги— 70 кг.
Бир суткада 1,3 киловатт-соат электр энергиясини сарфлайди.
Баҳоси 325 сўм.

Холодильникнинг сиғим камераси маҳсулотлар жамғариш имконини берса, унинг паст температурали бўлинмалари бу маҳсулотларни узоқ муддат сақлаш имконини беради. «Помир — 5»нинг бошқаларидан ажралиб турадиган хусусияти шундаки — унинг музи ярим автомат равишда эритилади, эриган сув эса музлатиш камераси тагига ўрнатилган махсус идишга тушади...

«ПОМИР—5» холодильнигининг асосий техник характеристикаси:
Холодильник камерасининг сиғими — 240 куб дециметр.
Ҳажмининг сиғими— 1450x600x570.
Оғирлиги— 62 кг.
Бир суткада— 1,9 киловатт-соат электр энергиясини сарфлайди.
Баҳоси —345 сўм.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«САРАТОВ», «ПОМИР—5», «САМАРҚАНД» холодильникларини сиз «Ташхозторг»нинг магазинларидан харид қилишингиз мумкин:
1— Пролетар кўчаси, 49-уй;
3— Истиқбол кўчаси, 1-уй;
4— Фарҳод кўчаси, 17-уй;
6— Энгельс кўчаси, 94-уй;
7— Госпиталь бозори;
8— Черданцев кўчаси, 22-уй;
9— Строительная кўчаси, 1-уй;
10/1 — Фарҳод ярмаркаси;
14/4 — Мунис кўчаси, 1-уй; (Қўйлиқ—4 массиви);
17— Сергели (бозор);
19— Уста Ширин кўчаси, 133-уй;
30/2 — Навоий кўчаси, («Дўстлик» ярмаркаси);
35— Октябрь бозори;
38— «Техника рўзғорда» — Марказ—14, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти, 24-уй;
39 — Энгельс кўчаси, 46-уй;
«ТАШХОЗТОРГ».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI да Келинлар қўзғолони.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/XI да Гулсара (15.00, 19.30), 25/XI да Олифта (16.00, 19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

23 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ИМТИҲОН»— Қозоғистон.
«ТЎЛА ЖАСОРАТИ» — Восток.
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЁН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — Тинчлик (жуфт соатларда).
«УМР ИЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — Нукус (тоқ соатларда), Ҳамза номли (жуфт соатларда), Қозоғистон (тоқ соатларда), ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли (жуфт соатларда), Чайка (жуфт соатларда), Москва (тоқ соатларда).
«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — Қозоғистон (жуфт соатларда).
«ТЕҲРОН—43» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.45, 16.15, 19.15; кичик зал — 12, 14.30, 17.15, 19.45).

24 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ИМТИҲОН»— Қозоғистон.
«ТЎЛА ЖАСОРАТИ» — Восток.
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЁН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — Тинчлик (жуфт соатларда), Искра (16, 18, 19.45).
«УМР ИЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — Нукус (тоқ соатларда), Ҳамза номли (жуфт соатларда), Қозоғистон (тоқ соатларда), ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли (жуфт соатларда), Чайка (жуфт соатларда), Москва (тоқ соатларда).
«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — Қозоғистон (жуфт соатларда).
«ТЕҲРОН—43» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.45, 16.15, 19.15; кичик зал — 12, 14.30, 17.15, 19.45).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Олий ва ўрта махсус таълимли кишилар учун шарқ тиллари (араб, форс, хитой, ҳинд тиллари)ни ўргатиш бўйича
ПУЛЛИК КУРСАРГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400-уй, Шарқ факультети (115-хона, шанба кунлари соат 10, дан 14.00 гача ҳужжатларни қабул қилиш ўтказилади).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
Тошкент тажриба-техника заводига
слесарлар— асбобсозлар, ускуналар ремонти бўйича; газ-электр пайвандловчилар, пружина блоклари тайёрлаш бўйича ишчиларни
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона— аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
КУРСЛАРГА
Қуйидаги ихтисосликлар бўйича
ҚЎШИМЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Троллейбус ҳайдовчилари учун ўқиш муддати — 6 ой; трамвай ҳайдовчилари учун ўқиш муддати — 5 ой.
Курсга Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган 18 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.
Қабул қилинганлар ойига 75 сўм стипендия тўланади, бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.
Билим юртини битирганларидан сўнг битирувчилар Тошкент шаҳридаги трамвай-троллейбус бошқармасига ишга юборилядилар.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (1, 17 «з» автобуслар, 18-троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточное депо»си бекати).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

23 НОЯБРЬ— ДУШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси
18.20 «ГФР шаҳарлари бўйлаб». Кинопрограмма. 19.15 Халқ чолғулари ижрочилари II Бутуннроссия конкурсининг лауреати В. Зажигин ижро этади (балалайка). 19.30 «КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга». РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида қишлоқ қурилишини индустриалаштириш ҳақида. 20.00 Балет артистларининг концерти. 20.25 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «А. В. Нежданова уйида». М. И. Глинка номли вокалистлар Бутуниттифоқ Х конкурси якунлари ҳақида. 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси
19.30 «Халқаро панорама». 20.15 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.15 «Тунги қўнғироқ». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари
I
18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдош» (рус.). 18.35 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 19.05 «Ишга туширилаётган объектлар — сафга!». Толимаржон сув омбори (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Сочма қонлар». Телефильм. 20.05 «Пабло Пикассо». Рассом туғилган кунининг 100 йиллигига (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек Давлат филармониясининг солистлари Ф. Солиҳова ва К. Отажонов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм. 23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол қисқаси. 23.55 Кўрсатувлар программаси.
II
18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Қизиқувчилар экрани». 18.40 Болалар учун фильм. «Биринчи саёҳат». 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ўртоқ бригада». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 21.30 МТ. IV.

24 НОЯБРЬ— СЕШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси
9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Ўсмирлар ижоди». Москва шаҳар автомобилсозлар Маданият уйи болалар хореографик ансамблининг чиқиши. 10.45 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.50 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хори ижро этади. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 16.15 «Бил ва уддала». 17.00 «Объектив». 17.30 Халқ оҳанглари. 17.45 «Мураббий» телевизион журнали.
18.15 «Ешлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.15 «Подмосковье бўйлаб» Киноалмаҳ. 20.25 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Фан оламида». «Аэробус ИЛ—86». 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 Р. Штраус. «Дон Жуан». симфоник поэмаси. Франкфурт-Майн (ГФР) радиосининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Э. Мата (Мексика).

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси
9.00 «Время». 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.05, 12.05 ва 17.00 Француз тили. 10.35 ва 11.35 Физика. 10-синф. СССРда алоқа воситаларининг ривожланиши. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Юлдузлар. 12.40 ва 13.45 Ботаника. 5-синф. Илдиз (тузилиши, хилма-хиллиги, аҳамияти). 13.00 ва 17.30 Шахмат мактаби. 13.30 «Дашт қирғоғида». Илмий-оммабоп фильм. 14.05 В. Гюго. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. Ўқитувчи экрани. 15.05 Табиатшунослик. 2-синф. Ҳайвонлар қишга қандай тайёргарлик кўради. 15.25 Табиатшунослик. 4-синф. Шамол ва унинг иши. 15.45 Тарих. 9-синф. Москвада декабрь қуролли қўзғолони. 16.15 Вс. Вишневский «Ҳаётбахш ўлим».
19.30 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 20.55 Дитценбах шаҳри ҳаваскорлар хорининг концерти (ГФР). 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.15 «Кутишга вақтимиз йўқ». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари
I
18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Гулька». 18.30 «Қизиқарли учрашувлар». Еш мухбирларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Вазира Назирова билан учрашуви. 19.10 «Едгорлик қирралари». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳаёт мактаби». Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби ҳақида. 20.05 «Кечки концерт». Музикали телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевиденеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга! «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.30 Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами— Республика кунига «Муҳаббат ва нафрат». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 23.55 Кўрсатувлар программаси.
II
18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Кўлдан деҳқизгача». Телефильм. 18.30 «Ўқитувчи экрани». Такомиллаштирилган программа асосида география ўқитувчисининг иши (рус.). 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ўртоқ бригада». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 21.30 МТ. IV.

4 ЮШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-68; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19 фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; вашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

23 НОЯБРЬ, 1981 й. Р. 06675. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690 6